



ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА
КИНДИНОРМ А
(KINDINORM® A)

Савдо номи: КИНДИНОРМ А (KINDINORM® A)

Дори шакли: Гранулалар

Халқаро патентланмаган номи: йўқ

Таркиби

10 г гранулада (5 та ўлчам) қуйидагилар сакланади:

таъсир этувчи моддалар: 25 мг Chamomilla dil. D12, 25 мг Valeriana dil. D6, 25 мг Kalium phosphoricum dil. D6, 25 мг Staphisagria dil. D12;

ёрдамчи моддалар: сахароза.

Таърифи

Оқ ёки деярли оқ рангли сферик гранулалар.

Фармакотерапевтик гуруҳи

Гомеопатик дори воситаси.

Фармакологик хусусиятлари

Гомеопатик даволаш касалликни тушуниш маъносида ва дори воситаларини қўлланишида анъағавий тиббиётдан аҳамиятли фарқ қиласи. Гомеопатик воситалар организмнинг шахсий ҳимоя механизmlарини рағбарлантиради ва шу тарзда ўзини-ўзи тиклаш қобилиятини фаолластиради. Гомеопатик воситаларга организмнинг реакцияси жуда шахсий. Шу сабабларга кўра доза-специфик фармакологик самаралар, фармакодинамик ёки фармакокинетик маълумотларни аниқлашнинг имконияти йўқ.

Қўлланилиши

Болалар ва ўсмирларда дикқат ва концентрацияни танқислиги, асаб қўзғалувчанлиги, харакатнинг гиперфаоллиги, ўқишдаги қийинчиликлар, уйкуни бузилиши ёки умумий ҳолсизлик ҳолатлари каби хулқни бузилишларида қўлланади.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Таъсир этувчи моддаларга юқори сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.

Махсус қўрсатмалар ва эҳтиёткорлик чоралари

Препаратни овқат билан биргаликда қабул қилиш тавсия этилмайди.

Агар Сизнинг шифокорингиз Сизда/сизнинг фарзандингизда айrim қандларни ўзлаштираолмаслиги хакида огохлантирган бўлса, препаратни қабул қилишни бошлашдан аввал шифокор билан маслаҳатлашинг.

Препарат сахароза саклади. Фруктозани ўзлаштираолмасликтининг кам наслий муаммолари, глюкоза-галактозани кам сўрилиши ёки сахароза-изомалтаза танқислиги бўлган пациентлар ушбу дори воситасини қабул қилишлари мумкин эмас.

Препаратнинг хавфсизлиги ва самараси хакидаги маълумотларнинг йўклиги сабабли Киндинорм А препаратини 1 ёшгача бўлган болаларда қўллаш мумкин эмас.

Шифокор билан маслаҳатлашинг:

- агар 8 хафта давомида соғайиш кузатилмаса,

- агар күшімча шикоятлар пайдо бўлса.

Хомиладорлик вактида ва эмизиш даврида қўлланилиши

Ушбу дори воситасини қабул килишдан аввал пациентлар шифокор билан маслаҳатлашишлари тавсия этилади.

Бошка фармацевтик препаратлар каби, Киндинорм А препаратини хомиладорлик ва эмизиш вактида фақат фойда ва хавф нисбатини баҳолагандан сўнг қабул килиш лозим.

Транспорт воситалари ёки бошқа механизmlарни бошқариш қобилиятига таъсири

Препарат транспорт воситаларини бошқариш ва бошқа механизmlар билан ишлаш қобилиятига таъсир этмайди.

Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири

Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири кузатилмаган. Ушбу гомеопатик дори воситасини қўллаш бошқа дори воситаларини қабул қилишни чекламайди.

Агар Сизнинг фарзандингиз бошқа ҳар қандай дори воситаларини қабул килаётган бўлса, яқинда қабул қилган бўлса ёки қабул қилиши мумкин бўлса, шифокор билан маслаҳатлашиш тавсия этилади.

Эслатма: гомеопатик дори препаратларининг таъсирига чекиши ва алкоголни истеъмол қилиш каби ҳаётнинг ёмон одатлари салбий таъсир этиши мумкин.

Дозалаш тартиби ва қўллаш усули

Доимо ушбу тиббиётда қўлланишига доир йўрикномага ёки ўзингизни шифокорингиз ёки фармацевтнинг кўрсатмаларига риоя қилинг. Агар сиз препаратни тўғри қабул килаётганингизга ишонч ҳосил қилмасангиз Ўзингизни шифокорингиз ёки фармацевт билан маслаҳатлашинг.

Дозалаш тартиби:

1 дан 5 ёшгача бўлган болалар:	2 гранулалар кунига 1 дан 3 мартағача
6 дан 11 ёшгача бўлган болалар:	3 гранулалар кунига 1 дан 3 мартағача
12 ёш ва катта ўсмирлар:	5 гранулалар кунига 1 дан 3 мартағача

Қабуллар тез-тезлиги шикоятларнинг камайиши бўйича камайтирилиши лозим.

Қўллаш усули

Гранулани оғизда аста-секин сўриш лозим. Кичик болалар учун таблеткаларни кўп бўлмаган миқдордаги сув билан эритиш мумкин.

Гранулани овқатдан ярим соат олдин ёки ярим соат кейин қабул қилиш керак.

Препаратнинг ўтказиб юборилган қабулини ўрнини тўлдириш учун болага препаратни икки марталик дозасини берманг.

Дозани ошириб юборилиши ҳолатида хеч қандай салбий оқибатлар кутилмайди.

Препаратни қабул қилишни тўхталиши ҳолатида хеч қандай салбий оқибатлар кутилмайди.

Ножӯя реакциялари

Барча дори воситалари каби, препарат ножӯя реакциялар чақириши мумкин, бироқ улар ҳар бир инсонда ривожланмайди.

Ножӯя самаралари номаълум.

Агар Сиз фарзандингизда қандайдир ножӯя самаралар пайдо бўлди деб хисобласангиз, шифокор ёки фармацевт билан сұхбатлашинг. Бу ушбу тиббиётда қўлланишига доир йўрикномада кўрсатилмаган ҳар қандай ножӯя самараларни ўз ичига олади.

Эслатма: гомеопатик препаратларни қабул қилиш вактида мавжуд бўлган шикоятлар вақтинчалик ёмонлашиши мумкин (бошлангич гомеопатик зўриқиши). Бундай ҳолларда пациентларга препаратни қабул қилишни тўхтатиш ва шифокор билан маслаҳатлашиш тавсия этилади.

Дозани ошириб юборилиши

Аникланмаган.

Ўрами

20 г гранулалар флаконларда, 1 флакон тиббиётда қўлланишига доир йўриқнома билан бирга ўрамда.

Сақлаш шароити

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда, болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

5 йил.

Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддати тутаганидан сўнг қўлланмасин.

Дорихоналардан бўриш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи

Др. Густав Кляйн ГмбХ & Ко. КГ.,
Штайненфельд 3, 77736 Целль ам Хармерсбах,
Германия

Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг эгаси

Альпен Фарма ГмбХ
Штайненфельд 3, 77736 Целль ам Хармерсбах,
Германия

**Ўзбекистон Республикаси худудида дори воситаларининг сифати бўйича эътиrozлар
(таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили**

“France Pharma” МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси, 100041, Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Навниҳол кўч. 86

Тел.: +99871 2309193

E-mail: infopharmaff@gmail.com